

## Катта кетманг!



11:00 / 16.03.2023 4787

**"Менсиз ҳаёт тўхтади, мен ҳаётга керакман", деган кишилар билан қабрлар тўла!**

### **Шарль Де Голль**

*Мана биз уларсиз ҳам яшаяпмиз. Уларсиз ҳам иншааллоҳ барчасини уддалаймиз! Уларсиз ҳам очдан ўлмаймиз.*

*Инсон кўтарилгани сари ўзига катта баҳо бериб бораверар экан. Индамасанг охири бориб "мен сизнинг олий Роббингизман" дейишдан ҳам тоймас экан. Буни ҳаёт тасдиқлади.*

*Шунақа инсонларни кўрдим, юрса ер титрар эди. Гўё дунё улар борлиги учун тургандай ҳис қилар эди ўзини. Ҳаёти охирида оғзидаги сўлагига ҳам эга чиқа олмади. Бировлар артиб қўяр эди сўлагини.*

*Инсон ожизгина бир махлуқ. У ўзидан кетиб қолмаслиги керак. Қудратда тенгсиз Роббиси борлигини доим ёдида тутмоғи даркор!*